Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, N UP-4947 "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", Decrees "On Measures for Further Improvement of the Road Management System", February 14, 2017 On the Program of modernization and development of engineering-communication and road-transport infrastructure in 2015-2019 "dated 6 March, 2013, PQ 2313 and other normative and legal documents relating to this activity This dissertation research will serve a certain degree of performance when performing tasks. Compliance of the research with the priorities of the national science and technology development. Research and development of science and technology I. 'Democratic and legal society, moral and cultural development, innovation carried out in the framework of the priorities of the economy. Level of knowledge of the problem. The world in the field of linguistics road terminology, theoretical and practical aspects of specific research. Particularly, in the 30s of the last century, the issue of the development and implementation of scientifically-based methodology in the former Soviet Union was put on the agenda and in order to solve this problem, the founder of Russian Road Sciences, Doctor of Technical Sciences, prof. A special commission was set

⁶ Бу ҳақда қаранг: Temmerman R. Questioning the univocity ideal. The difference between socio-cognitive terminology and traditional terminology. – Amsterdam - Rodopi. 2000. – P.3.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сонли «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

The theme of Ph.D. dissertation (PhD) was registered in the Higher Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. V2017.1.PhD / Fil15.

The dissertation was executed at Karshi State University. The dissertation abstract is published in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the web-site of the Scientific Council www.samdu.uz and in the information and educational portal Ziyonet (www.Ziyonet.uz).

Scientific advisor: **Mengliyev Bakhtiyor Rajabovich**
doctor of philology, professor

Official opponents: **Eltazarov Juliboy Danaboyevich**
doctor of philology, professor

Kuchimov Shukhrat Norqizilovich
doctor of philology, professor

Leading organisation: **Fergana state university**

The dissertation defense will be held at the Samarkand State University Session of the Academic Council of the Academic Council of the University on 27.06.2017.Fil.02.03 of the Academic Council at _____ "_____" 2018. (Address: 174, Samarkand, students' town, 10. Phone: (99871) 236-46-55; fax: (99871) 246-02-24; e-mail: cs.75@mail.ru).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of Samarkand State University (registered with _____). Address: 174, Samarkand, Students' Village, 10. Tel.: (99871) 236-46-55; fax: (99871) 246-02-24; e-mail: cs.75@mail.ru).

The dissertation abstract was distributed on "_____" _____ 2018.
(Protocol registration number "_____" _____ 2018).

Mukhiddinov M.Q.
Scientific Degree Supplier Chairman of the
Scientific Council, Ph.D., Professor

Pardayev A.B.
Scientific Degree Supplier Scientific
Secretary of the Scientific Council, Ph.D.

Salokhiy D.I.
Scientific Degree Supplier at the Scientific Board
Chairman of the Scientific Seminar, Ph.D., Professor

изоҳланадиган сўзлар ҳам кўп: *оҳак, тупроқ, тош, намгарчилик, сизот, кўприк, қувур, гипс, чизик, мой, лой* кабилар. Кўринадики, йўлсозлик соҳасида қўлланадиган терминларни кўп ҳолларда бошқа соҳавий лексика, шунингдек, умумистеъмол бирликлардан қатъий чегаралаш қийин.

Йўлсозлик терминосистемасида *йўл* мавзуй системаси марказий ўринни эгаллайди. *Йўл* мавзуй системаси қуйидаги ички гуруҳлардан ташкил топади: 1) йўл турлари ва йўл қисмларини ифода этувчи терминлар;

2) кўприк, қувур, тўғон, кўтармаларни ифода этувчи терминлар; 3) йўл қурилиши материалларини ифода этувчи терминлар; 4) ер ва йўл пойи, йўл қопламаси билан боғлиқ тушунчаларни ифода этувчи терминлар; 5) автомобиль йўллари қурилиши жараёнини ифода этувчи терминлар; 6) автомобиль йўлларида фойдаланиш ва таъмирлаш жараёнини ифода этувчи терминлар.

Йўл турлари ва йўл қисмларини ифодаловчи терминлар. Бу микросистема ўз навбатида қуйидаги икки ички гуруҳдан ташкил топади: 1) автомобиль йўли турларини ифодаловчи терминлар; 2) автомобиль йўли қисмларини ифодаловчи терминлар.

«Автомобиль йўли турларини ифодаловчи терминлар» мавзуй гуруҳи қуйидаги ички гуруҳлардан иборат: а) йўлнинг ахамиятига кўра турларини ифодаловчи терминлар: *ҳалқаро автомобиль йўли, давлат автомобиль йўли, маҳаллий автомобиль йўли*; б) йўлнинг кенг/торлигига кўра турини ифодаловчи терминлар: *бир қаторли автомобиль йўли, икки қаторли автомобиль йўли*; в) йўлнинг муҳимлик даражасига кўра турини ифодаловчи терминлар: *асосий автомобиль йўли, ёрдамчи автомобиль йўли; биринчи даражали автомобиль йўли* кабилар; г) йўлнинг географик ўрнига кўра турини ифодаловчи терминлар: *текисликдаги автомобиль йўли, тоғ автомобиль йўли*

д) йўлнинг тўғри ёки айланиб ўтиш хусусиятига кўра турини ифодаловчи терминлар: *ҳалқа автомобиль йўли, айланма автомобиль йўли*; е) йўлнинг қатнов даражасига кўра турини ифодаловчи терминлар: *камқатнов автомобиль йўли, серқатнов (магистраль) автомобиль йўли*; ё) йўлнинг қайси ишлаб чиқариш объектига тегишлилигига кўра турини ифодаловчи терминлар: *хўжалик автомобиль йўли, саноат автомобиль йўли*; ж) йўлнинг қурилиш материалига кўра турини ифодаловчи терминлар: *тупроқ йўл, тош йўл, асфальт-бетон йўл, цемент-бетон йўл*.

«Автомобиль йўли қисмларини ифодаловчи терминлар» мавзуй гуруҳи *тупроқ кўтармаси, қатнов қисми, йўл чети, йўл белгиси, тўсиқ, ариқ, ажратувчи полоса* каби гуруҳлардан иборат⁷. Бу мавзуй гуруҳининг ҳар бир аъзоси ўз ўрнида ички гуруҳларга бўлинади. Масалан, «тупроқ кўтармаси» ички мавзуй гуруҳи тупроқнинг хусусиятларини ифодайдиган қуйидаги терминларни ўз ичига олади: *битумогурунт* (битумланган тупроқ), *грунт, говакдор грунт, чим, лесси* (сарғиш тупроқ) кабилар.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 97.

Кўприк, қувур, тўғон, кўтармаларни ифода этувчи терминлар. Кўприк, қувур, тўғон ва кўтармаларни ифода этувчи терминларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1. Кўприк, қувур, тўғон, кўтарма турлари ҳамда уларнинг унсурларини ифодаловчи терминлар. 2. Кўприк ва қувурлар қурилиши билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар.

«Кўприк, қувур, тўғон, кўтарма турлари ҳамда уларнинг унсурларини ифодаловчи терминлар» мавзуй гуруҳи, ўз навбатида, қуйидаги ички гуруҳларга бўлинади: а) кўприк номлари: *алюмин кўприк, аркли кўприк, тўсинли кўприк, бетон кўприк, вантли кўприк, осма кўприк* кабилар;

б) кўприк унсурлари номлари: *ёрдамчи тўсин, осма тўсин, металл бошмоқ, кўприкнинг очиладиган қаноти, чайқалма таянч, кўприк қатлами* кабилар;

в) қувур, тўғон ва кўтармалар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар: *қувур бўғини, йўлсозлик қувури, понасимон бўғин, сизувчи кўтарма, қувур каллаги, тақасимон тўғон, ўхшаиш тўғон, дамба* кабилар.

Йўлсозлик терминосистемасида кўприк ва қувурлар қурилиши билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бундай терминлар системаси қуйидаги ички гуруҳдан иборат:

а) кўприкқурилиши билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар;

б) қувур қурилиши билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар.

Бу турга мансуб айрим терминларни изоҳлаймиз: *кўрик кўприклари* – таянчлар ҳолатини ўрганиш учун мўлжалланган осма мослама; *қум-шағалли ёстиқ* – пойдевори бўлмаган қувурлар тагига сепиладиган қум-шағалли аралашма.

«Йўл қурилиши материалларини ифодаловчи терминлар» гуруҳи. Бу микромайдон қуйидаги ички гуруҳларга бўлинади: а) табиий йўл қурилиши материалларини ифодаловчи терминлар: *шағал, шағал аралашмаси, базальтлар, брусчатка, габбро* кабилар; б) кимёвий йўл қурилиши материалларини ифодаловчи терминлар: *пушонка, кипелка, шлакцемент, битумли қозғоз, гидроизол, изол* кабилар; в) бетонли йўл қурилиши материалларини ифодаловчи терминлар: *каучук цементли бетон, бетон қоришмаси, пластмасса шебень (чақилган тош)* кабилар.

«Ер ва йўл пойи, йўл қопламаси билан боғлиқ тушунчаларни ифода этувчи терминлар» системаси. Бу микромайдон қуйидаги терминларни ўз ичига олади: а) ер пойи ва йўл қопламаси билан боғлиқ умумий тушунчаларни ифодаловчи терминлар: *суббардош, қоплама грунт, сел оқими, табиий қиялик бурчаги, ер ости сув сатҳи* кабилар; б) ер пойи турлари ва уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар: *ўйма (банкет), дренаж қурилмалари, нов, қайир кўтарма, кўтарма этаги, токча, ёғоч кат* кабилар; в) йўл қопламаси турлари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар: *тўсин йўл, йўл қопламаси, йўл асоси, қумли пойдевор, йиғма йўл қопламаси, шоссе, штир* кабилар; г) йўл пойи хусусиятлари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар: *йўл пойи кўтармаси нишаблиги, йўл пойи шичи қатлами, қаттиқ жисмли йўл тўшамаси ҳисоби, қопламанинг ёрилиши чидамлилиги* кабилар.

VALIYEV TUYCHI QORJOVOVICH

LEXICOGRAPHIC ANALYSE AND SEMANTIC FEATURES OF
STRUCTURE IN ROAD CONSTRUCTION TERMS OF UZBEK
LANGUAGE

10.00.01 – Uzbek language

THE DISSERTATION ABSTRACT
OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) OF PHILOLOGY

Samarkand – 2018

Автомобиль йўллари қурилиши жараёнини ифода этувчи терминлар. Ўзбек тилида транспорт йўллари қурилиши, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи терминлар ҳам талай: *бурзуламоқ, тебратиб зичлаш, чок бахяни ямаш, шлам билан ишлов бериш, кромкани кесиш* ва бошқалар.

Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва таъмирлаш жараёнини ифода этувчи терминлар. Бу турдаги терминларга қуйидагилар киради: *автомобиль йўллари рўйхатга олиш, йўл хизмати, йўлнинг иш муддати (даври), йўл қопламасини чўкичлаш, едирилиши қатлами* кабилар.

Маълум бўладики, йўлсозлик соҳаси терминлари тил лексик сатҳида ўз ўрнига эга. Тўғри, қайд этилган терминларнинг аксарияти ўзбек тили умумистеъмол лексик системасида мавжуд. Бу уларнинг муайян терминологик тизим сирасига мансуб эмаслигидан далолат бермайди. Масалан, *едирилиши (ейилиши)* феъли умумистеъмол лексикада бошқа изоҳга эга⁸, аммо йўлсозлик терминосистемасида «транспорт қатнови натижасида йўл қопламасининг юпқалашиб бориши» семемаси билан истифода этилади.

Терминлар тил системасининг бошқа бирликларидан таркибий тузилмасининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Ўзбек йўлсозлик терминларини структур жихатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) содда терминлар: *бурғилаш, шиббалаш, планировкалаш, режалаш, шоссе, штир*; 2) қўшма терминлар: *қаламтўсин, яримкўприк, сувтўсиқ, равоққулф, чоктўлдирма*; 3) жуфт терминлар: *битумли-грунтли, цемент-тупроқли, асфальт-бетон, темир-бетон, термос-бункер*; 4) бирикма терминлар: *йўл қопламаси, йўл пойи, йўл четидаги ариқ* (кювет); 5) қисқартма терминлар: АБТ (автоматлаштирилган бошқарув системаси) ҚТЛ (қурилишни ташкил этиш лойиҳаси) ТМБ (тош майдалайдиган база) кабилар.

Бирикма терминлар структур жихатдан икки узвйдан етти узвигача терминларга бўлинади.

Хуллас, ўзбек тилининг йўлсозлик терминологияси алоҳида микроузвими сифатида тил системасида ўз ўрнига эга. Ундаги барча терминларни йўлга хос бирлаштирувчи семаси асосида «Ўзбек тилининг йўлсозлик терминлари» мавзуйий майдонида бирлаштириш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Йўлсозлик терминологиясида полифункционаллик ва полисемия**» деб номланади. Тилшуносликда терминларнинг бир маънолилиги, ўз-ўзидан, монофункционаллиги ҳақидаги қарашлар устувор. Буни икки маънода тушуниш мумкин: термин фақат бир маъноли бўлади; термин муайян бир соҳада бир маънода қўлланади. Аммо терминлар полисемантик, полифункционал ва омонимлик характериға ҳам эга бўлади. Полисемантик терминлар бирдан ортиқ семемаларға эга, улар ўзаро боғланган семемалари билан фақат бир соҳада қўлланади: *грамматика, экология ҳуқуқ* каби. Полифункционал терминлар эса полисемантиклик

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 6.

хусусияти сусайган, бироқ омонимлик даражасига етмаган кўп маъноли терминлар, алоҳида маънолари билан турли соҳаларда қўлланади. Масалан: *морфология 1* (биол.), *морфология 2* (тилш.) кабилар. Омоним терминлар маънолари орасидаги алоқа узилган ёки шаклан ўхшаш бўлган терминлардир: *айириши белгиси I* (тилш.), *айириши белгиси II* (мат.).

Йўлсозлик соҳасида ҳам полисемантик, полифункционал терминлар мавжуд, аммо бу соҳа терминлари сирасида омоним шаклли бўлганлари кузатилмади. Масалан, *айвон* полисемантик термини йўлсозлик соҳасида *галерея* маъносида қўлланади. Унинг терминологик маъноси метафорик асосда вужудга келган. Бу термин йўлсозлик терминлари системасида «Кўприк иншоотлари, қувурлар ва сизувчи кўтармалар» мавзуси остида берилган.

Йўлсозлик соҳасида *дробилка* маъносида қўлланивчи *ҳавон* термини ҳам полисемантик хусусиятга эга. Бу термин йўл қуриш ва таъмирлаш ишларида ишлатиладиган чақиқтош ишлаб чиқариш ускунаси, яъни, тош майдалаш ускунасининг бир бўлагини англатади. Терминологик маънонинг вужудга келиши кўчимнинг вазифадошлик тамойили асосида содир бўлган.

Ўзбек тилида *арматура* ўзлашма сўзи ҳам умумистеъмол ва терминологик маъноларда қўлланади. Маълумки, арматура йўл химояси ва кўприклар қурилиши ҳамда тоннел ҳамда қувурларни тайёрлаш, қуришда катта аҳамиятга эга. Шу боис у йўлсозлик терминлари системасининг «йўл қурилиши», «кўприк иншоотлари барпо этиш, уларнинг таркибий қисми» каби мавзуй гуруҳларига мансуб кенг истеъмолли терминдир.

Йўлсозлик соҳасида бирикма терминлар таркибидаги сўзлардан бири кўчма маънода қўлланаётган, яъни умумистеъмол бирлиги бирикма таркибида терминологик моҳият касб этган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *ёй биссектрисаси*, *қатнов қисми қирғоғи*, *йўл ёқаси* (обочина), *йўлнинг кўндаланг кесим юзаси* кабилар.

Йўлсозлик соҳасида қўлланивчи полифункционал терминларда турли соҳаларга доир тушунчаларни ифодалайдиган бирлаштирувчи семаларнинг мавжудлиги уларни омоним бирликлар сифатида қарашга йўл қўймайди. Масалан: *нов* (1 сув оқиши учун ёғоч, тахта, цемент ва ш.к. дан ишланган маҳсус ўзан; тарнов; 2 суғориш ёки умуман сув сақлаш учун ёғоч, тахта, цемент кабилардан ишланган охур; тегана; 3 *геогр.* океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиклар); *пайванд* (1 *биол.* бирор ўсимликнинг новда ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига ўтқизиш, улаш усули ва шу усулда улаб ўстирилган ўсимлик; 2 *тех.* металл бўлақларини эритиб ёки парчинлаб, бир-бирига ёпиштириш, бириктириш ва шу усулда ҳосил қилинган чок).

Шуниси характерлики, айрим қурилиш материалларини ифодаловчи терминлар йўлсозлик соҳасида ҳам, бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланади. Масалан, *бурғиламоқ*, *қурилиш бошқарувини марказлаштириш*, *тош ётқизиш*, *устки ишлов бериш*, *тўсиқ ўрнатиш*, *темир-бетон* кабилар. Қайд этилган терминлар йўл қурилиши соҳасида ҳам, бинокорликда ҳам, ободонлаштириш соҳасида ҳам ишлатилади. Мазкур терминлар уч соҳада

терминов узбекского языка” должна учитываться степень соотнесения этих терминов к данной отрасли.

10. “Толковый словарь автодорожных терминов узбекского языка” должен охватить лексемы, словоформы и словосочетания. Словоформы и сложные термины на основе их значений будут истолкованы как лексема-термин. При составлении данного словаря должны учитываться лексикографические традиции узбекского языка. При формировании заглавного слова, словника и словарной статьи будут использованы инструкции составителей “Толкового словаря узбекского языка”. Семантическая структура толковой части словарной статьи будет организован на основе принципа “частное-общее”, “род-вид”.

3. Автодорожные термины своеобразием формально-структурных признаков серьёзно отличаются от общеупотребительной лексики. По структуре термины этой отрасли делятся на простые, сложные, парные, сочетанные, сокращенные термины; термины-словосочетания делятся двух-, трех-, четырех-, пяти-, шести- и семи компонентные термины.

4. Если в речи понятие в основном выражается с помощью лексемы, фраземы, и в отдельных случаях, с помощью свободных словосочетаний, то в автодорожной сфере количества лексем-терминов меньше по сравнению с количеством терминов-словосочетаний. В терминах-словосочетаниях наблюдается формально-семантическое несоответствие, формально в них преобладают признаки свободного словосочетания, тогда как семантически – больше признаков устойчивых словосочетаний.

5. Виды терминов в зависимости от отношений формы и значения характеризуются сложностью структуры. При этом важную роль играют стихийное образование терминов, то, что они являются продуктом индивидуального творчества в отличие от общеупотребительной лексики, специалисты при образовании терминов обращают внимание на различные сходства.

6. В терминологии очень часто встречаются явления универсалия, полисемия, полифункциональность и омонимия. Изучение этих часто встречаемых в терминологии явлений дают важные сведения для терминологии.

Универсалия в терминах определяется на основе их номинации одинаковых явлений различных отраслей. В силу того, что явления являются универсальными для более одного специальных отраслей, выражающие их термины также имеют природу универсальности.

7. Полисемантические термины употребляются в одной отрасли с более одной семемами. Семическая связь между семемами таких терминов характеризуются устойчивостью. Наряду с этим, некоторые семемы общеупотребительных лексем полисемантического характера имеют терминологический характер. Такие единицы можно назвать *лексемами-терминами*. Производные семемы полисемантических терминов, а также, терминологические значения общеупотребительных лексем с полисемантическими признаками образуются на основе метафоричности и функциональности.

8. В автодорожной терминологии встречаются также полифункциональные термины, значения которых значительно разошлись. Связь между значениями таких терминов в значительной степени более ослаблены по сравнению со связью между значениями полисемантических терминов.

9. В узбекском языке отсутствует специальный терминологический словарь автодорожных терминов. А это осуществляется на основе основательного изучения лексики, уточнения автодорожных терминов, определения их внутренней структуры, установления тематических и семантических групп. Для составления “Толкового словаря автодорожных

қўлланса-да, уларнинг барчасида бир хил тушунчани, бир объектив воқеликни англатади.

Полифункционал терминлар турли соҳада бир турнинг маълум бир даражада фарқланувчи жинс сифатидаги моҳиятини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, *туз билан тупроқни мустаҳкамлаш* терминологик бирикмаси йўл қурилиши соҳасида ҳам, мелиорация ишларида ҳам, ободонлаштиришда ҳам, шунингдек, бинокорликда ҳам битта денотатни ифодалайди. Шу боис бу каби терминларни маъносига кўра битта термин сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Йўлсозлик терминларининг лексикографик талқини масалалари**» деб номланган. Бугунги кунда республикамизда халқаро ҳамкорликнинг ўсиши йўлсозлик соҳаси терминларини тартибга солиш вазифасини кун тартибига қўйди. Ўзбек терминшунослигида яратилган «Йўл иши соҳасидаги атамалар. Дорожная терминология» луғати ҳамда «Темир йўл атамаларининг русча-ўзбекча қисқа луғати»ни бу соҳадаги дастлабки амалий ишлар сифатида баҳолаш мумкин.⁹ Мазкур луғатларни рус тилида чоп этилган «Дорожная терминология: справочник»нинг¹⁰ таржимаси дейиш мумкин. Шунга қарамай, бу луғатлар ўзбек йўлсозлик луғатчилигида катта аҳамият касб этади.

«Йўл иши соҳасидаги атамалар» луғатидаги терминларни йўлга хослик даражасига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: а) фақат йўлга хос терминлар: *автомобиль йўли, асфальт-бетон, асфальт ётқизгич, бордюр, йўл қопламаси, йўл пойи* кабилар; б) йўлга ҳам, бошқа соҳаларга ҳам хос бўлган терминлар: *полимерлар, оҳак кукуни, хлорли калций, портландцемент* кабилар; в) йўлга хос бўлмаган терминлар: *учиш майдони, аэропорт, гидроаэродром (сув ҳаво уйи), қўналга* кабилар. Назаримизда, сўнгги турдаги терминлар йўлсозлик терминосистемасига дахлдор эмас.

Мазкур луғат орқали рус тилидан ўзбек тилига уч хил йўл билан термин ўзлаштирилганлигини аниқлаш мумкин. Булар: 1. Айнан олинган терминлар: *анкер, домкрат, компрессор, копер, коуш, кювет* кабилар. 2. Калькалаш асосида ўзлаштирилган терминлар: *блоки такелажные – такелаж блоклари, вибробадья – тебратгич бадья, дизель молот – дизель болга, иглофильтр – игнали фильтр* кабилар. 3. Ўзбек тилида муқобили топилган терминлар: *бордюр – ҳошия, земляное полотно – йўл пойи, тротуар – йўлка, буна – тўсиқ, лоток – нов, насыпь – кўтарма* кабилар.

Луғатда терминларнинг берилишида айрим нуксонлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, луғатда кўп ҳолларда терминнинг ўзбекча муқобилини кўрсатиш эмас, балки терминнинг маъносини тушунтириб беришга интилиш ҳоллари кузатилади. Назаримизда, бирикма терминларни имкон қадар қисқартириб, термин шаклига келтириш мумкин эди. Масалан, *идора, корхона ихтиёридаги автомобиль йўли*

⁹ Йўл иши соҳасидаги атамалар. Дорожная терминология. (Ю.Т.Абдурахмонов ва бошқалар.) –Тошкент, 1990. – 96 б.; Темир йўл атамаларининг русча-ўзбекча қисқа луғати (И.Ибрагимов ва бошқалар.) – Тошкент, “Ўқитувчи” 1993. – 67 б.

¹⁰ Дорожная терминология: справочник / Под. ред. М. И. Вейцмана. – Москва: Транспорт, 1985. – 310 с.

(автомобильная дорога ведомственная) терминини *корхона йўли*; *колхоз, совхоз ёки корхоналар ичидаги автомобиль йўллари* (автомобильная дорога внутрихозяйственная) терминини *хўжалик йўли*, *бир қатор айланма эгри чизиқдан иборат бўлган эгрилик* (кривая коробовая) термини *айлана тарзида* бериш мумкин. Иккинчидан, ўзлашган ҳар қандай терминни ўзбекчалаштиришга уриниш, унга ўзбекча муқобил қидириш сунъийликни келтириб чиқаради. Масалан, луғатда *бордюр* термини ўрнига *ҳошия*; *бровки* термини ўрнига *қош* сўзларининг берилиши ўзини оқламайди. Бизнингча, рус тилидан ўзлашган *бордюр*, *бровки* терминларининг ўзини қолдириш мақсадга мувофиқ.

Диссертацияда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да йўлсозлик терминларининг берилиши масаласига ҳам муносабат билдирилган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қўлланган йўлсозлик терминларини ушбу соҳага дахлдорлик даражасига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) асосан йўлсозликда, қисман бошқа соҳаларда ҳам қўлланувчи терминлар;
- б) йўлсозликда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам барабар қўлланувчи терминлар;
- в) асосан бошқа соҳаларда, қисман йўлсозликда қўлланувчи терминлар.

Мазкур луғатда кўплаб йўлсозликка оид терминлар ўрин олган бўлса-да, бу терминлар умумистеъмолда ҳам кенг қўлланиши сабабли биронтасига терминологик соҳага мансубликни билдирувчи лексикографик белги (помета) қўйилмаган. Луғатда денотат тавсифланар экан, агар денотат нарса/предмет бўлса, изоҳда, аввало, унинг вазифаси, кейин асосий белгилари, сўнгра қурилиши, тузилиш хусусиятларини ифодаловчи семалар ва охирида қайси турга мансублик семаси берилган. Масалан:

Автомобильная магистраль [авто.. + лот. *magistralus* – бош, асосий] Тез ҳаракатланадиган кўп сонли автотранспортга мўлжалланган, қарама-қарши ҳаракат қаторлари ўртасига чегара қўйилган, бошқа йўллар билан бевосита кесишмайдиган узун ва кенг йўл¹¹.

Кўринадик, *автомобильная магистраль* терминига берилган изоҳда терминнинг қуйидаги семалари қайд этилган: а) денотатнинг вазифасини ифодаловчи сема: «тез ҳаракатланадиган кўп сонли автотранспортга мўлжалланган»; б) денотатнинг асосий белгиларини ифодаловчи сема: «қарама-қарши ҳаракат қаторлари ўртасига чегара қўйилган, бошқа йўллар билан бевосита кесишмайдиган»; в) денотатнинг қурилиш, тузилиш хусусиятини ифодаловчи сема: «узун ва кенг»; г) «тур» семаси: «йўл».

Айрим терминларнинг вазифа семаси берилиб, асосий белгисини ифодаловчи семаси тушириб қолдирилган: *скрепер* [ингл. *scraped* – курак, қирғич; *ковш* < *scare* – қиртишламоқ, қириб тозаламоқ] *тех.* Ерни қатлам-қатлам қилиб қазий, қовшни тупроққа тўлдириб, уни белгиланган жойга тўкиш, суриш ва текислаш ишларини бажарадиган машина¹².

Маълум бўладики, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да йўлсозлик терминларини изоҳлаш бошқа соҳа терминлари талқинидан, умумистеъмол

ГРЕЙДЕР [англ. *grader* < *grade* – выравнивать] Машина для рытья каналов, выравнивания полотна грунтовой дороги.

В словаре не приводятся грамматическая, стилистическая характеристика. Следует отметить, что в словаре приводится лишь та семема главного слова, которая непосредственно относится к автотранспортной сфере. Лексикографическое значение приводится на основе семантической структуры термина. Например: **АСФАЛЬТ** – смесь битумов с минеральными материалами: гравием и песком (щебнем или гравием, песком и минеральным порошком в искусственном асфальте), применяемая для устройства покрытий на автомобильных дорогах, как кровельный, гидро- и электроизоляционный материал, для приготовления замазок, клеев, лаков и др.

В целом, толкование значения термина приводится как характеристика, определение и пояснение.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

1. В нашей республике автотранспортная сфера развивается на основе мировых стандартов как особая отрасль технической науки. Большие изменения случились и в терминосистеме этой отрасли, которая развивается на основе принципа гармонии науки и производства. В силу того, что до приобретения республикой независимости, наука и производство всецело осуществлялась на основе русского языка, не развивалась автотранспортная терминология, являющаяся внутренней микросистемой узбекского языка. Получение узбекским языком статуса государственного языка побудила необходимость налаживания на узбекском языке делопроизводства и в автотранспортной сфере, преподавания и обучения на родном языке.

Продела определенная работа по совершенствованию терминологической системы автотранспортной сферы. Особо важную роль играют создание «Словаря русско-узбекских автотранспортных терминов». Однако в настоящее время в терминологии отрасли существует множество проблем. Преобладание в автотранспортной лексике узбекского языка русских терминов, образование узбекских вариантов, в основном, благодаря калькированию, неясности в терминах, употребление русских или международных автотранспортных терминов, несмотря на наличие их эквивалентов на родном языке, отсутствие терминологических словарей данной отрасли, лексикографическое толкование автотранспортных терминов являются актуальными проблемами терминологии.

2. Автотранспортная терминология узбекского языка как особая микросистема имеет свое место в автотранспортной терминологии узбекского языка. Все термины её системы на основе непосредственной и опосредственной интегральной семы «относящийся к дороге» объединяются в тематическую группу «Автотранспортные термины узбекского языка». Интегральная система в семантической структуре определенного термина можно быть как ведущей, так и второстепенной.

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I.– Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.34.

¹² Қўрсатилган луғат. Ж. III. – Б. 534.

терминологическом словаре согласно лексикографическим традициям словник словаря (например, ГАЛЕРЕЯ) и словарная статья (например, “тоғ ёнбағридаги йўл устига темир-бетон плиталардан айвон кўринишида курилиб, транспорт оқимини кўчкidan ҳимоя қилишга мўлжалланган муҳандислик иншооти”) будут приведены рядом.

Целесообразно в лексикографический словник “Толкового словаря автодорожных терминов узбекского языка” генетически включить следующие термины: 1. Заимствованные термины: а) заимствованные термины в форме корневой лексемы: *грейдер, балкон, галерея* и др.; б) заимствованные в форме производной лексемы термины: *планировка, активатор, откос* и др. 2. Термины собственного пласта: а) термины с русско-интернациональной основой: *нивелирлаш, хлорли, бетонлаш* и др.; б) термины с арабско-персидской основой: *айвон, равоққулф, ҳавон* и др.

Словник словаря будет состоять из соединяющих по структуре слов: 1. Простые корневые термины: *йўл, балкон, галерея* и др. 2. Простые производные термины: *битумли, асфальтлаш, текислаш* и др. 3. Парные термины: *асфальт-бетон, темир-бетон, шлак-цемент* и др. 4. **Термины-словосочетания:** *қопламанинг нураши, емирилиши репери, қопламадаги силжиши* и др.

Кроме того в словарь автодорожных терминов должны быть включены следующие термины по степени использования: 1. Устаревшие слова: *раҳа, нов, чақиқ* и др. 2. Слова разговорной речи: *текислаш, шиббалаш, тебратиши* и др. 3. Диалектальные слова: *чоркўча, чувик, нов* и др.

При толковании значений терминов автодорожной сферы целесообразно использовать лексикографические традиции составления словарей. В данном словаре термины могут приводиться без грамматической формы. Однако при толковании отдельных терминов следует обратить внимание и на их грамматические формы. При этом термин определенной грамматической формы рассматривается как целостная лексема.

В словаре *основные слова* (термины) грамматически будут приведены в форме именительного падежа. Например, *халқа автомобиль йўли, бўйлама кесим юзидаги эгрилик, бир-бирига тескари йўналган эгриликлар* и др.

Если толкуемый термин омонимичен, целесообразно приводить лишь то значение, которое относится к автодорожной сфере. Если это омоним, используемый лишь в автодорожной сфере, их можно привести под римскими цифрами, как в “Толковом словаре узбекского языка”. Однако в узбекском языке на зафиксированы омонимы, встречающиеся лишь в автодорожной сфере.

Термины-глаголы приводятся в форме *-иш*, но глагол в конце словарной статьи должен заканчиваться на *-моқ*. Например: **АСФАЛЬТЛАШ** – автомобиль йўллари, кўча, аэродром ва ҳ.к.га асфальт-бетон қопламалар ётқизмоқ.

После главного слова целесообразно привести его этимологию. **Такая информация приводится при толковании нетюркских слов. Например:**

сўзлари тавсифидан фарқланмайди. Қуйида йўлсозликка оид терминлар изоҳли луғатини яратишга доир тавсияларимизни баён этамиз.

«Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг изоҳли луғати»ни яратишда дастлаб шу соҳага тегишли энг фаол сўзлардан иборат қисқача изоҳли луғатни тузиш лозим. Сўнгра луғатдаги сўзликни кенгайтириш асосида ўзбек тилидаги йўлсозликка оид барча терминларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Йўлсозлик терминлари луғатига сўз танлашда жуда кўп манбаларга таяниш лозим. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) ўзбек тилида яратилган йўл соҳасига доир терминлар луғати, маълумотнома ва қомуслар; 2) ўзбек тилининг изоҳли луғатлари; 3) рус ва бошқа хорижий тилларда яратилган йўл соҳасига доир маълумотнома (справочник) ва қомуслар; 4) рус ва бошқа хорижий тилларда яратилган йўлсозлик терминларининг изоҳли луғати; 5) рус ва бошқа хорижий тилларнинг техник-технологик терминлари луғатлари; 6) ўзбек ва бошқа тилларда чоп этилган йўлсозлик соҳасига доир дарслик ва қўлланмалар, ўқув-методик мажмуалар.

«Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг изоҳли луғати»дан лексема, сўзшакл ва бирикма шаклидаги терминлардан иборат луғат мақолалари ўрин олади. Терминлар аънавий тарзда алифбо тартибида берилади. Ушбу терминологик луғатда ҳам луғатчилик аъналарига амал қилинган ҳолда луғат сўзлиги (масалан, *галерея*) ва луғат мақоласи (масалан, «тоғ ёнбағридаги йўл устига темир-бетон плиталардан айвон кўринишида курилиб, транспорт оқимини кўчкidan ҳимоя қилишга мўлжалланган муҳандислик иншооти») ёнма-ён қайд этилади.

«Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг изоҳли луғати»нинг луғат сўзлигидан генетик жиҳатдан қуйидаги терминлар ўрин олиши мақсадга мувофиқ: 1. Ўзлашма терминлар: а) туб лексема ҳолидаги ўзлашма терминлар: *грейдер, балкон, галерея* кабилар; б) ясама лексема ҳолидаги ўзлашма терминлар: *планировка, активатор, откос* кабилар. 2. Ўз қатлам терминлари: а) асоси русча-байналмилал терминлар: *нивелирлаш, хлорли, бетонлаш* кабилар; б) асоси арабий-форсий терминлар: *айвон, равоққулф, ҳавон* кабилар.

Луғат сўзлигидан тузилиши жиҳатидан қуйидаги терминлар ўрин олади: 1) содда туб терминлар: *йўл, балкон, галерея* кабилар; 2) содда ясама терминлар: *битумли, асфальтлаш, текислаш* кабилар; 3) жуфт терминлар: *асфальт-бетон, темир-бетон, шлак-цемент* кабилар; 4) бирикма терминлар: *қопламанинг нураши, емирилиши репери, қопламадаги силжиши* кабилар.

Қўлланиш хусусиятлари нуқтаи назаридан қуйидаги бириклар ҳам йўлсозлик терминлари луғатидан ўрин олиши лозим: 1) эскирган сўзлар: *раҳа, нов, чақиқ* кабилар; 2) сўзлашув нутқига оид сўзлар: *текислаш, шиббалаш, тебратиши* кабилар; 3) шевага оид сўзлар: *чоркўча, чувик, нов* кабилар.

Йўлсозлик соҳасига оид терминларнинг маъноларини изоҳлашда лексикографик аъналардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур луғатда терминлар грамматик шаклдан холи ҳолда берилиши лозим. Аммо айрим терминлар изоҳида унинг грамматик шаклига ҳам эътибор

қаратилиши керак бўлади. Бунда муайян грамматик шаклдаги терминга бир бутун лексема сифатида қаралади.

Луғатда *бош сўзлар* (терминлар) грамматик жихатдан бош келиши шаклида қайд этилади. Масалан, *ҳалқа автомобиль йўли, бўйлама кесим юзидаги эгрилик, бир-бирига тескари йўналган эгриликлар* кабилар.

Изоҳланаётган термин омоним характерида бўлса, унинг фақат йўлсозликка тегишли маъносидаги шакли берилиши мақсадга мувофиқ. Агар фақат йўлсозлик соҳасининг ўзида қўлланадиган омонимлар бўлса, улар «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилгани каби рим рақамлари билан ажратилиб кўрсатилиши мумкин. Ўзбек тилида фақат йўлсозлик соҳасида қўлланадиган омоним терминлар учрамади.

Феъл-терминлар *-иш* шаклида берилади, фақат унинг изоҳида қўлланган якуновчи феъл *-моқ* шаклида бўлади. Масалан: асфальтлаш – автомобиль йўллари, кўча, аэродром ва ҳ.к.га асфальт-бетон қопламалар ётқизмоқ.

Бош сўздан кейин унинг этимологияси бўйича маълумот бериш маъқул. Бундай маълумот туркий бўлмаган сўзлардагина берилади. Масалан: грейдер [ингл. grader < grade – текисламоқ] Йўл қурилишида йўлни очиш, сошлаш, текислаш учун ишлатиладиган машина.

Луғатда грамматик, услубий тавсифларни берувчи белгилар берилмайди. Қайд этиш лозимки, луғатда бош сўзнинг фақат йўлсозликка дахлдор семемасигина берилади ва тавсифланади. Лексикографик маъно терминнинг семантик структураси асосида берилади. Масалан: **АСФАЛЬТ**– битумга майда минерал тўлдиргич қўшиб тайёрланадиган, қум, шағал, чақик тош аралаштириб, йўл тўшамаси сифатида фойдаланиладиган, табиий ёки сунъий турдаги боғловчи қурилиш материали.

Хуллас, термин маъносини изоҳлаш таъриф ва тавсиф бериш тушунтириш йўсинида олиб борилади.

ХУЛОСА

1. Республикамизда йўлсозлик соҳаси жаҳон андозалари асосида тараққий этиб, техник илмий соҳанинг алоҳида йўналиши сифатида жадал ривожланмоқда. Фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги тамойили асосида тараққий этаётган соҳанинг терминосистемасида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Истиклолгача фан ва ишлаб чиқариш асосан рус тилида олиб борилганлиги боис ўзбек тилининг ички микросистемаларидан бўлган йўлсозлик терминологияси ривожланмасдан қолмоқда эди. Тилимизга давлат тили мақомининг берилиши йўлсозлик соҳасида ҳам иш юритиш, ўқиш ва ўқитиш ишларини ўзбек тилида йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқарди.

Йўлсозлик соҳасида қўлланаётган аксарият атамаларнинг русча эканлиги, мавжуд терминларнинг эса, асосан, калькалаш асосида ҳосил қилинганлиги, терминдаги ноаниқликлар, айрим ҳолларда ўзбек тилида мукамал ифода воситалари бўлишига қарамай, русча ёки рус тили орқали ўзлашган терминларнинг кўплаб қўлланаётганлиги, соҳага доир терминологик луғатларнинг мавжуд эмаслиги, йўлсозлик терминларини

общенародном языке. При толковании денотата в словаре, если денотат предмет, в толковании прежде всего приводятся его семы, выражающие его функцию, затем основные признаки, структуру, состав и в конце сема, указывающая на соответствие к какому-либо. Например:

АВТОМАГИСТРАЛЬ [авто.. + лат. magistralus – главный, основной] — длинная и широкая дорога для скоростного движения автомобилей, не имеющая одноуровневых пересечений с другими дорогами, железнодорожными или трамвайными путями, пешеходными или велосипедными дорожками²³.

Как выясняется, в определении термина **автомагистраль** **указаны следующие семы:** а) сема, выражающая функцию денотата: “для скоростного движения автомобилей”; б) сема, выражающая основные признаки денотата: “не имеющая одноуровневых пересечений с другими дорогами, железнодорожными или трамвайными путями, пешеходными или велосипедными дорожками”; в) сема, выражающая особенности строения денотата: “длинная и широкая”; г) сема “вид”: “дорога”.

В толковании отдельных терминов приведена сема функции, тогда как пропущена сема, выражающая основной признак: СКРЕПЕР [ингл. scrapper – курак, қирғич; ковш < scarp – қиртишламоқ, қириб тозаламоқ] *тех.* Ерни қатлам-қатлам қилиб қозиш, ковшни тупроққа тўлдириб, уни белгиланган жойга тўқиш, суриш ва текислаш ишларини бажарадиган машина.²⁴

Как выясняется, в “Толковом словаре узбекского языка” толкование автодорожных терминов не отличается от толкования терминов других отраслей, описания общеупотребительных слов. Ниже приведем наши рекомендации по созданию толкового словаря автодорожных терминов.

Для создания “Толкового словаря автодорожных терминов узбекского языка” сначала следует составить краткий словарь данной сферы, охватывающий наиболее часто употребляемые слова. Затем благодаря расширению словника словаря целесообразно упорядочение всех слов автодорожных терминов. Для подбора слов для словаря автодорожных терминов необходимо руководствоваться множеством источников. Их можно классифицировать следующим образом: 1) словари, справочники и энциклопедии автодорожной сферы на узбекском языке; 2) толковые словари узбекского языка; 3) справочники и энциклопедии автодорожной сферы на русском и других иностранных языках; 4) толковые словари автодорожных терминов на русском и иностранных языках; 5) словари технико-технологических терминов русского и других иностранных языков; 6) учебники и учебные пособия, учебно-методические комплексы автодорожной сферы на узбекском и других языках.

В “Толковый словарь автодорожных терминов узбекского языка” будут включены словарные статьи терминов-лексем, словоформ и словосочетаний. Термины традиционно приводятся в алфавитном порядке. В данном

²³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.34.

²⁴ Указанный словарь. Ж. III. – Б. 534.

Термины в словаре “Йўл иши соҳасидаги атамалар” в зависимости от степени соотнесения их к дороге можно разделить на три группы: а) термины, относящиеся только к дороге: *автомобиль йўли, асфальт-бетон, асфальт ётқизгич, бордюр, йўл қопламаси, йўл пойи* и др.; б) термины, относящиеся как к дороге, так и другим отраслям: *полимерлар, оҳак кукуни, хлорли калций, портландцемент* и др.; в) термины, не относящиеся к дороге: *учиши майдони, аэропорт, гидроаэродром (сув ҳаво уйи), қўналга* и др. На наш взгляд, термины последней группы не относятся к автодорожной терминосистеме.

Путем анализа данного словаря установлено, что существует три способа заимствования терминов из русского языка в узбекский. Это: 1. **Непосредственно заимствованные термины:** *анкер, домкрат, компрессор, копер, коуш кювет* и др. 2. **Калькированные термины:** *блоки такелажные – такелаж блоклари, вибробадья – тебратгич бадья, дизель молот – дизель болга, иглофильтр – игнали филът* и др. 3. **Термины, налоги которых существуют в узбекском языке:** *бордюр – ҳошия, земляное полотно – йўл пойи, тротуар – йўлка, буна – тўсиқ, лоток – нов, насыпь – кўтарма* и др.

В качестве отдельных недостатков при передаче терминов в словаре можно указать следующее: *Во-первых*, в словаре авторы стремятся не к передаче узбекского эквивалента русского термина, а к толкованию значения термина. На наш взгляд, термины-словосочетания можно было сократить по мере возможности и привести в форму термина. Например, термин *идора, корхона ихтиёридаги автомобиль йўли (автомобильная дорога ведомственная)* можно было бы передать как *корхона йўли*; термин *колхоз, совхоз ёки корхоналар ичидаги автомобиль йўллари (автомобильная дорога внутрихозяйственная)* – термином *хўжалик йўли*, а термин *бир қатор айланма эгри чизиқдан иборат бўлган эгрилик (кривая коробовая)* – словом *айлана*. *Во-вторых*, не совсем правильно пытаться находить узбекские налоги всем уже усвоенным терминам, это в какой-то мере приводит к навязанности. Например, в словаре вместо термина *бордюр* приведено слово *ҳошия*; вместо *бровки – қош*, что никак не оправдывает себя. На наш взгляд, целесообразно оставить заимствованные из русского языка термины *бордюр, бровки*.

В диссертации приводится рассуждение автора по поводу передачи в “Толковом словаре узбекского языка” автодорожных терминов.

